



(В. 1б) Бисмиллахир рохманир рохим ва бихи настаъин. Алхамду лиллахил-хабир ва хува ала кулли шайин кодир вас-салату вас-саламу ала хойри холкихи Мухаммадин ил-мухтар ва ала алихи ва асхабихил-ахйар. («Барча нарсани билгувчи, хар нарсага кодир Тангрига хамду санолар бўлсин. Ўзи халк килган инсонлар ичидан сараланган Мухаммадга, унинг оиласи ва якин сахобаларига Тангри еаломи ва саловоти бўлсин»). Хулласи, хабарларда келтирилганки, Тангри таоло оламни бино килгач, олам яратилишининг ибтидосида, (уни) яратиш аввалида хазрати вожиб ул-вужуддан ташкари. Хабардор килинган хазрати (Тангри), хабар берган одамлар ўзи вокиф эмасдир, истадики башар отаси, хазрати Одамни, Оллох уни софий килсан, (Оллохнинг саловати бўлсин), тупрокдан яратмокчи бўлди-ю, ўзининг халифалик хилкатини унинг устига ёпди. Инни, жаилун филарзи халифатан, («Ер юзида буйрукларимни ижро этувчи одамнинг яратувчисиман») экан, шу мўъжаз сўзлар адолатининг шоҳиди бўлганидек, дастлаб Жаброил алайхиссаломни юбордики, Одам алайхиссаломнинг пок тийнатини ясаш учун хозир муazzам Каъба иморати бино бўлган жойдан бироз намрок тупрок келтиришни буюрди. Жаброил алайхиссалом ерга тушгач, бир каф тупрок олмокчи бўлди. Замин фалаклар ва малакларни яратган Раббимга касамёд килиб, дедики, унга бир каф хам тупрок бермагай: мендан бир халк вужудга келгусидирки, сендан вужудга келмагай. Сен туфайли мен Оллохи таоло хузурига бормаганим бўлсин.

Жаброил алайхиссалом кайтиб бориб, заминдан эшит-ганларини зор йиглаб Тангри таолога арз килди. Оллохнинг раҳми келиб унинг касамини кабул килган эди.

Сабабларини

сўраганда рад кйлди. Кейин бу ишни хазрати Мекойил алайхиссалом адо этиши учун фармон бўлди. Ер унга хам касам билан бир каф тупрокни олмаслигини ўтинди. У хам кайтиб кетди. Ундан кейин Оллохи таоло амри билан Исрофил алайхиссалом келди. Замин уни хам кайтарди. Тўртинчи маротаба хазрати Зулжалол Тангри таоло олий карамли Азройил алайхиссаломни жўнатди. У хам замин касамини кабул килмай, деди: «Худойи таоло амри сенинг касамингдан устунроқдир».

Сўнг бутун ер юзидан турли навъ куругу хўл, оку кора, кизилу (в. 2а) сарик, аччигу шўр, нордону ширин ерларидан бир сикимдан олди. Инсон синфлари саногига караб олди. Кайсисининг кабри каерда бўлса, ўша жойдан тупрок олди. Чунончи, хазрати пайгамбар соллаллохи алайхи вассалам фи оллохи ва асхобаҳи хокларини хам онҳазратнинг озода ва шаҳодатли мунаввар кабрлари ўзлари яшаган шахарлари-да муанбару муаттардир, ўша жойдан олди. Хуллас, унга бир каф тупрокни саккиз бехиштга келтириб, тасним сувида кордилар ва барча якин малойикаларга ва бехишт ахлига буюрдиларки:

«Барчангиз Одам алайхиссалом хоки тийнати-да тасним суви билан кориб, Мухаммадий нурини омонат куйиб, суркангизлар. Шуни билиб олингларки, оламни яратишдан асл максад Одам эди. Одамни яратишдан мурод онхазратнинг вужуди туфайлидир. Фарки мубораклари: «Лавлокалама холактил-афлок» (Сен бўлмаганингда мен фалакларни яратмаган бўлардим) тожи билан зийнатли, истикоматли коматлари ва «моирсилнакул-роҳматилилала-мин» («Биз сени раҳмат ёғдирувчи килиб бутун оламга юбордик») ташрифи билан мушарраф бўлди. Хазрати Азройил алайхиссалом парвардигор амрини барча ишлар билан жойига кўйди. Хазрати ҳак таоло арвоҳ кабзини унга ҳавола килди. Ҳак таоло субхона амри билан илохий кудрат туфайли кирк кеча-кундуз Одам алайхиссалом хокига раҳмат ёмгири ёғди.

«Хумрати тийнати одам би ядии арбаин сайёхан» мазмунига кўра Тангри таоло кудрати кўли билан инсоният сурати либосини унга кийгизди ва калбига рух уфурдики «фи нафаҳти мин руҳи» («Мен унга руҳимдан юбордим»)дан уни хабардор этдилар.

Салафларнинг китобларида батафсил кайд этилганки, тарих ахли ёзадиларки, ҳалк килингандан куни Одам алайхиссалом ердан булуларгача кўтарилилар. Айтишларича, Одам алайхиссаломнинг камтарин куняси Абулбашар шариф лакаби Сафиюллоҳдир. Шунинг учун Одам дейилганки, муборак жисмлари ер юзасидан олиб (адими замин) яратилган. Шу сабабли унга Одам деб исм кўйишиди. Баъзилар фикрича (Одам алайхиссаломнинг) покиза баданлари бугдойранг бўлган. Шунинг учун Одам деганлар, Дастлабки фикрга кўра, Одам сўзи адим — пўст сўзидан олинган (в. 26); лугатда уни «рўйи замин пўсти» дейилган. Иккинчи ривоятга кўра, Одам «одама» (сўзидан)дан олинган. Ал-адама (мим ва дол фатхали, хо — сокин) деб бугдой ранглини айтилган. Бошка бирорларнинг айтишича, сув билан тупрок аралашмаси Одам дейилган. Ҳар калай хазрати ҳак таолонинг Одамни яратишида кўп хикматлар ва турли-туман сирлар саноксиздир. Шу жи-хатдан исм кўйиши илмининг барча кийлу колини бевосита унга ўргатди. «Аллама Адам аласмаа куллаха» («Одамга исмларнинг хаммасини ўргатди») бунга шохиддир. Барча малойика унинг илмига якин, хос фазилатига икрор ва эътироф этувчи бўлдилар. Ҳудойи таоло фармони билан \* унга сажда килдилар. Факат Иблис бу ишдан ибо килди ва Одамга сажда килмади. «Усжуду ли-Адама фасажаду ли Иблиса ва ка-на мин ал-жинни, фа фасака» («Одамга сажда килинглар, аммо Иблисга сажда килдилар, у жинлардан бўлиб, Парвардигор амрига итоат этмаган эди»). «Ан амри раббихи фасаждал малойикату куллухум (ажмайна)илла иблис» — («Малоикаларнинг хаммаси хам сажда килдилар, иблисдан ташкари») сўзи бунинг адолати шохиддидир. Мўътабар китобларда ёзилишича, «Одам» лафзи ибрийча-дир. Одам алайхиссаломнинг яратилишини мухаррам ул эҳром ошуро ойи ўнинчи куни, жумаъ куни соат 11 да; биринчи толеъ бўйича Жади ва Зухал даражасида, Муштариҳ Хутда, Мирриҳ Ҳамалда, Камар Саратонда, Шамс Асадда, Аторуд Сумбулада, Зухро Мезонда пайтида бугдойранг киши чехрасида баланд коматли ва жингала сочли килиб яратади. Яратган Тангри хазрати Одамга беҳиштдан жой берди. Ҳаввони у уйкусираф турганда унинг чап бикинидан яратди. Аксарий уламо фикрича, уларга бугдой ейишликни манъ килди. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят килишича, узум ейишни, баъзиларнинг айтишича, ояти Сарихдагидек, анжир ейишни (ман килган). Айтишларича, Одам алайхиссаломга сажда килмасликни (даъват этган) Иблис «Ва инна алайка лаънати или йавмиддин» («Сенга менинг лаънатим киёматгача») тавки лаънатини бўйнида кўрди. Жуда кўп ибодат килганидан (Худо) фармонига бир бўйсунмагани учун хеч фойда топмади. Одам алайхиссалом билан адоват килиб шумликлар килишга

интилди. Одам алайхиссалом жаннатда эди. Иблис харгиз унга йўл тополмади, то бир куни хувори ансорий хийласи бирлан кисса ва тафсир китобларида шу нарса машхурки, жаннатга кириб олди. Бомдодда товусни кўрди. У бехишт кўнгураси эди (в. За) Илон ёрдами билан бехишт дарбонлигини олди. Аввал ёлғондакам сахобаликни олди. Уни истеъмол килмасдан, Одамга хам едирмай дархол бехиштий кийимларини улардан ечтириб олди. Улар ялангоч колдилар. Кейин хар бири бир нечтадан анжир дараҳтийнинг баргидан олиб авротларини беркитдилар. Хар бешаласи хам хазрати иззат Тангриси амри билан жаннатдан чикиб кетдилар. Одам алайхиссалом айтишларича Хавво билан бирга уч соатдан зиёд яшамаганлар. Яна дейдиларки, найсон (оий) бешинчисида, одина куни, бошка бир (ривоят) га кўра тўккизинчи найсон кунида, соат еттида Хиндистон заминига, Сарандаб тогига Одам алайхиссалом хубут килди. Хавво розиёллохи анха Жиддага, Маккаи муazzама худудидаги дарё лабига, товус Хиндистонга, илон эса Исфаҳонга, Иблис Симононга (тушдилар). Айтишларича, Одам алайхиссалом дунёга хубут этиши билан соколи чикди ва юз йил Сарандиб тогига тоатда, зорликда, оху фигонда истикомат килди-ларки, кўп йиглаганидан муборак кўз ёшларидан ўсимлик-лар, мисли филфил ва калампир, долчин, сумбул ва бошка (ўсимликлар) униб чикдики, бугунги кунда муборак кўзлари баракотидан унинг авлодлари орасида доривордир. Юз йил. ўтгач, ошуро куни унинг тавбаси кабул килинди. Ошуро кунининг бундан ташкари хам фазилатлари кўпдир. Масалан, Идрис алайхиссалом ва Исо алайхиссаломнинг осмонга кўтарилиши, Нух алайхиссалом кемасининг Жудий тогига тургун бўлиши, хазрати Иброҳим алайхиссаломнинг тугилитди ва пайгамбарлиги, унинг Намруд оташидан халос бўлиши, Мусо алайхумуссаломнинг тугилиши, Довуд алай-хиссалом тавбасининг кабул килиниши, Сулаймон алай-хиссаломнинг ўз Малики билан кайтиб келиши, Айюб алайхиссаломнинг кирмон ранжидан сиххат топиши, Мусо саловатуллохнинг дарёдан кутулиши, Юнус алайхисса-ломнинг балик корнидан чикиб келиши, Од кавми бошидан балони даф килган Яъкуб алайхиссалом кўзининг равшан бўлиши, Юсуф алайхиссаломнинг Канъон чохидан чика-рилгани, Зикриё алайхиссаломнинг фарзанд талаб килгани, унинг Яхё алайхиссалом хакига ўқиган дуосининг мустажоб бўлиши, Мусо алайхиссаломнинг Фиръавн мажбурий меҳнати устидан галабаси ва хоказолар шу куни содир бўлган. Бу табаррук кундир. Одам алайхиссалом тавбаси-нинг (В. 36) кабул килиниши билан кўниши учун байтулмаъмурни бехиштдан ерга олиб тушдилар, бугунги кунда Каъба харами жойлашган мавзеъга (ўрнатдилар). У тамбман кизил ёқутдан ясалган эдй. Хуллас, хазрати

Иззати Жалли жалола рухулкуддусга Одам алайхиссаломга хаж расм-русумлари ўргатмокни буюрди. Одам алай-хиссалом хажни ўтказиб, хаж асносида Арафот мавзеъида Хаввони топди. Ўша маконда улар бир-бирларини танишди. Шу сабабдан бу жойга Арафот номини бердилар.

Бу мавзеъни Мазулфа дейдилар. Монийлик таманноси инояти ижобати учун дуо килганларки, ул мавзеъни мутаарраф (ошно бўлинган жой) Арафот маъносида хосила килганлар. Хуллас, Хавво розиёллохи анху ва Одам алайхиссаломдан бир киз ва бир ўгил тугилди. Хак таоло амри билан Одам алайхиссалом кориндаги кизни кориндаги ўгил билан берди. Токи икки ўртада фарқ бўлсин. Кобил ва опалари тугилди. Хуснисурат юзасидан Кобилнинг майли бўлмайди. Ўз эгизини хохламайди. Одам алайхиссалом эгизини Кобилга берди. Шу сабаб улар ўртасида келишмов-чилик пайдо бўлди. Одам алайхиссалом уларга курбонлик килишларини буюрди, кимнинг курбонлиги кабул бўлса, шунинг иклиномосини берурман. Хуллас, хар бири бит-тадан кўйни тог тепасига олиб

чиқдилар. Оташ келиб Кобилнинг курбонлик кўйини пиширгани учун Одам алай-хиссалом икlimони Кобилга берди. Кобил шу сабабдан Хобилга душман бўлиб колди. Тушида тош билан унинг бошига урди ва халок килди. Айтишларича, бир муддат Хобил мурдасини кўтариб юрган ва уни нима килишини билмаган. Бир куни бир юртга борган, караса, бир карга карга билан жанг килмокда. Бири ўлдирилди, тирик колган карга ўлик каргани тупрок остига беркитди. Кобил ўша каргадан дафн килишни ўрганди. Кейин Хобилни дафн этди. Одам алайхиссалом шунгача ўлимни кўрмаган эди. Бу воеадан викиф бўлгач, сурёний тилда бир неча байт ўкиди. Уламо уни тозий (тилига) таржима килган.

Назм (мазмуни):

Диёр ўлмишдурур бу дам мугайяр, ки ер юзи кабих ўлди-ю мугайири, уланнинг таъми рангидир ташайири, фарогат бўлмади бир хўбманзар. Дариго, кани Хобилим-ки, бу дам, ер жисминда ётур то рўзи маҳшар.

Кейин Иблис (В. 4а.) Кобилга игвогарона деди: олов сендан ранжиди. Нега сен унга сажда килмадинг? Оташга сажда килганингда сендан хушнуд бўларди. Шундан кейин курбонингни инобатга оларди. Бу сўзлар Кобилни та-раддудга солиб кўйди. Иблис васвасаси унинг дилига кўчди. Оташга сажда килди ва Ҳакдан бўлакка катл этиш, оташпастлик расми Кобилдан колган. Бу бидъат танасига унинг кўли билан асос солинди. Киёмат кунигача кимки ҳакдан ташкари катл этса, оташга сажда килса, бир жазо тарикасида масалан бу корани ҳак таоло амр килади. Кобил

номай аъмолига сабт киладилар. Чунончи, бу кора жазо мисли бир омил номай аъмолига бу икки феъл ёзиб кўйиладики, жазо кунида хар кайсисига алохида-алохида жазо ижросини буюрадилар. Аласт даврида бўлганидек, ҳазрати иззати жалли жалола Одам алайхиссалом зурриётини унинг пуштидан жудо килдилар. Ўша ал-Мисок замонидан талаб килиниадики, «ва из ахаза Роббука мин бани Адама мин зухурихум зуррийатахум ва ашҳадахум ала анфусихим аласту би раббикум колу бала». («Агар парвардигоринг Одам болаларидан уларнинг зурриётларини олиб ўзларига кўрсат-са, мен Парвардигорингиз эмасманми? Ха, шундай!»)

Алохида даражалар унинг жами авлодларини унга карши кўйдилар. Улар орасидан бирини кўрса йиглаб турибди, сўнг сўрди: Бу ким? Жавоб бердики, сенинг фарзандларингдан-ман. Мусодара вахимасидан жарима йиглайсан, Сен йиглаб турган экансан, у хам йиглайди. Одамнинг унга раҳми келиб сўрдики, сенинг ёшинг нечада? Жавоб бердиларки, олтмиш ёш. Одам алайхиссалом бу солих фарзанд умрининг калталигини кўриб, акронларидан унга раҳмат айтди. Деди: ўз умримдан унга кирк йилини багишладим. Ҳак субхона ва таоло у фарзандларга розилик берди. Одам алайхиссалом ўз умри кискалигидан сўраган ва ўзининг умри минг йил бўлади, деб маълум килган эди. Одам алайхиссалом умрй тўккиз юз олтмишга етганда Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола «хуллика» валлаху йадъу илиа Даруссалом» («Оллох Доруссаломга чакиради») «Кулли нафсин зойика тул-мавти» («Хар бир тирик жон ўлим мазасини тотиб кўрувчидир») (оят) эшигини кокди.

Узок вакт ўлтирган шундай кишики, янги келадиганларга жой пардоз этур.

Одам алайхиссалом жавоб бердики, яна умримдан кирк йил колган. Малакулмавт деди: Довуд алайхиссаломга баҳшида этгандинг. Одам алайхиссалом инкор килиб деди: мен качон умримни багишладим? Балки, бандалик одоби ва ҳазрати иззат илохийлик карам хазинасидан (В. 46) илтижо килгандурман, зероки, мен ўз сохибим ва маликимдан бирор нарса сўрамок бўлгандирман. Шундай ибодат билан баён килинадиган одоб шундайки,

фалонсиз ёр менга бир нарсаны фазл килди. Мен сенинг фалон бандангга лойик күраман. Фалон бандангни эса бу фазилатдан маҳрум этаман. Магар у вохид ул-атоёнда карамига шундай (банда) лойик ва сазоворки, хар икки банда ул фазлдан маҳрум бўлмаса.

Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола амири билан кайтиб кетди. Ҳазрати бори инфиоли ва бакуддус олий карами билан Довудга кирк йил умр багишлади. Одам алайхиссаломга хам кирк йил мухлат берди, то минг йил тўлиши учун. Ружуъи хаба шариатда жоиздир, уни бу ердан олдилар.

Шундан кейин Шис алайхиссалом даври келди. Ҳазрати ҳак жалли жалола унга элчи юборди, буюрдики, бани одам бир-бири билан аҳд килган ёки муомала ўрнатганларида икки одил гувоҳ хозир бўлмоги лозим. Шундан тазкира излашлари лозимки, сўнг уни инкор килиш мумкин бўлмасин. Алкисса, Одам алайхиссаломнинг умрига минг йил тўлгач, Малакулмавт ўз вазифасига киришди. Айтишла-рича, Одам алайхиссаломга дастлаб сажда килган малоика-лардан Исрофил ва Жаброил (алайхиссалом) бўлдилар. Иблисга тааллукдор малойикаларки, иблис лафзи ажамий бўлиб, Одам алайхиссалом шариати худопарастлик, салавот, савм ва курбон эди. Касрали коф (билин ўқиладиган) курбон (лафзи) аёлга якинлик кильмокликдир. Май ва чўчка тухумидан ҳазар кильмок. Барча одамлари миллати бир хил бўлиб, бугдойранг бўлган. Машхурдирки, Жаброил алайхиссалом ерга нозил этилиши билан Одам алайхиссаломни дастлаб темирчилик санъатига ўргатди, ўйин олатларини ясагай, зироат эккай, нассожлик асбобларини тарошлагай, боғданда санъатини хосил килгай ва ўз авлоди орасидан онасининг ёлгиз фарзанди Шисни нассожлик санъатига ўргатди. Одаму Хавво алайхумуссаломдан кирк бир фарзанд вужудга келдилар. Йигирма битта кориндан йигирма бир нафар ўғил ва йигирма нафар киз ҳамда минг нафар набира кўргани аникланган. «Ахсан ул-кисас» сохибининг ёзишича, ҳазрати Одам алайхиссалом бир мингу кирк ёшга кирганлар. Тарих (фани) арбобларининг баъзи ривоятига кўра, минг йил, сир ахлидан бўлган гурухнинг сўзига караганда — 937 йил умр кўрган бўлади. Ул жаноб касал бўлган кунларини ўн бир кун ёки йигирма бир кун деб ёзадилар (в. 5а).

Одам алайхиссаломнинг охиратга сафар ҳангоми тўлган-да Шис алайхиссаломни Хаввонинг васийи килиб колдирди ва унинг ахволининг хифзи борасида васият килди. Одам алайхиссаломнинг равшан пешоналарига сабт килинган ва Одам алайхиссаломдан Шис алайхиссаломга ўтган нури Мухаммадий бобида ҳам кўшиш килди. Санаи мукаддас мухаррам ойининг ўнинчи, жумъа кунида Маккан муаззамада таворих ахли баъзисининг сўзига караганда, Оллоҳ раҳматига муваффак бўлди. Кўпчилик фикрича, Абу Кабис тогида, ризоятга кўра Сарандиб тогида, баъзилар фикрича Нажафда Муртазо Али карамуллоҳи важуху ёнида дағн этилди. Ҳазрати Абулбашар алайхиссалом вафотидан йил ёки етти йил ўтгач, Ҳазрати Хавво розиоллоҳу анху борлик кўчини оламдан йигиштириди. Жидда шахрида дағн этилган. Таворих арбоби сўзига караганда Одам алайхисса-лом мукаддас ёнидан жой олди. Чунончи, Нух алайхиссалом Тўфон вактида уларнинг суюкларини Ҳак амири билан кемага олди. Тўфон тамом бўлгач, Байтул мукаддасда тупрокка топширганлар. Бир юз йигирма йил муддатда, баъзилар фикрича, олтмиш йилда йигирма саккиз сахифа, бошка фикрга караганда, йигирма сахифа унга нозил бўлган. Уммулкитобнинг абжад, хавваз, хутти, каламан, саъфас, карашат, сахаз, зазаг Одам алайхиссалом сурасидирки, Одам алайхиссалом бу сахифаларини Сифри Одам деб атайдилар. Уларни Афлотуни Илоҳи юонон тилига тафсир этганди. Ҳазрати амирулмўминин Али, карамуллоҳи важуху, унинг тафсирини араб тилига таржима

килган эдилар. Айтишларица, Одам алайхиссалом Шис алайхисса-ломни засий ва ўзига ўринбосар килиб колдириб дорулбако-га сафар килганды, Хак таоло амри билан Жаброил алайхиссалом келиб хазрати Шис алайхиссаломга Хак пайгомини етказди. Хазрати Одам алайхиссаломни ювиб, кафанга ўраб, унга жаноза ўқидилар. Маккай муazzамада Иброхим ери билан Хажар ул асвад ва замзам мобайннида, Имом Шофеъий ёнигаки, бу ерни Хатим деб атайдилар, Одам алайхиссаломни дафн килдилар. Айтишларица, Хазра-ти Одам алайхиссаломнинг авлоди Кобил ва Хобил ўлдирилган вактда Кобил наслидан минг эркагу аёл колган эди. Хобил наслидан кирк минг эру аёл колганди. Оллох аникрок билувчиidir. (в. 5б.)

(давоми бор...)